

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ” ФАКУЛТЕТИ

СОЛИҚЛАР ВА СУҒУРТА ИШИ КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 36.(575.1)

ШЕРАЛИЕВ ШАҲРИЁР БАХТИЁР ЎҒЛИ

**Мавзу: Ўзбекистон суғурта компаниялари суғурта
хизматларини кўрсатишни ташкил этиш
билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал
этиш йўллари**

70410601 – СУҒУРТА ИШИ мутахассислиги бўйича

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
PhD доц. Носиров Ж.Т.

Тошкент-2023

Магистрлик диссертация иши “Солиқлар ва суғурта иши” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

_____ -сонли баённома « _____ » _____ 2023 й.

Кафедра мудири: Б.Тухлиев



ИМЗО

23.05.2023

сана

Илмий раҳбар:


PhD, доцент Ж.Носиров



ИМЗО

сана

Талаба: Ш.Шералиев



ИМЗО

сана

Диссертация Молия ва бухгалтерия ҳисоби факултетида 2023 йил “19”
_____ 05 _____ № MSD-01/3 рақами билан рўйхатга олинди.

Декан _____ А.У.Бурханов

АННОТАЦИЯ

Суғурта бозори молия ва молиявий хизматлар бозори таркибида асосий ва муҳим иштирокчиси ҳисобланади. Шу билан бирга суғурта компаниялари суғурта хизматларини ишлаб чиқарувчилар ва молиявий воситачилар сифатида намоён бўлади.

Суғурта бозори молиявий секторнинг ажралмас қисмидир. Миллий иқтисодиётда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ мафаатларини турли хавф-хатарлардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий воситалардан бири суғурта ҳисобланади. Шу боис тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича иш олиб бордик. Жумладан, мавзуга оид бошқа тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар қарашлари, илмий мақолалари ҳамда мавзуга оид маҳаллий меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрладик. Илмий ишининг амалий аҳамиятини ошириш учун, мамлакатимиз халқаро савдон фаолиятида муаммолар ва улар билан ишлаш қай даражада амалга оширилаётганлигини статистик маълумотлар асосида эконометрика таҳлил усуллари ёрдамида ўргандик. Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотлар асосида халқаро савдони молиялаштириш чоралари бўйича илмий ва амалий асосланган ҳулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Калит сўзлар: *Суғурта бозори, молия ва молиявий хизматлар, молиявий сектор, суғурта, суғурта хизматлари, суғурта фонди, суғурта қопламаси.*

Summary

The insurance market is the main and important participant in the finance and financial services market. At the same time, insurance companies appear as producers of insurance services and financial intermediaries.

The insurance market is an integral part of the financial sector. Insurance is one of the financial instruments that provides effective protection of the property interests of individuals and legal entities from various risks in the national economy. Therefore, during the research, we carried out extensive work within the scope of the topic. Among other things, we have prepared a literature review after studying other research works on the topic, views of local and foreign scientists, scientific articles and local normative documents on the topic. In order to increase the practical importance of the scientific work, we studied the problems in the international trade activity of our country and the extent to which work with them is carried out using statistical data using econometric analysis methods. Based on the studied and analyzed information, we developed scientifically and practically based conclusions, suggestions and recommendations on international trade financing measures.

Key words: *Insurance market, finance and financial services, financial sector, insurance, insurance services, insurance fund, insurance coverage.*

МУНДАРИЖА

Аннотация	3
Мундарижа	5
Келтирилган жадваллар рўйхати	7
Келтирилган расмлар рўйхати	8
Келтирилган қисқартмалар	9
I БОБ. КИРИШ	10
1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги	12
1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифалари	14
1.3. Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари	15
1.4. Тадқиқот объекти ва предмети	15
1.5. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти	16
1.6. Диссертация таркибининг қисқача тавсифи	18
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	20
2.1. Кириш	20
2.2. Мавзуга оид илмий-назарий қарашлар шарҳи	21
2.3. Мавзуга оид маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шарҳи	26
2.4. Хулоса	33
III БОБ. МЕТОДОЛОГИЯ	34
3.1. Тадқиқот дизайни	34
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни	34
3.3. Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	35
3.4. Тадқиқотни ўтказиш учун зарур шароитлар	45
3.5. Тадқиқот жараёнида кутилаётган муаммолар ва уларнинг ечими ..	46

3.6	Тадқиқотдан кутилаётган илмий ва амалий натижалар	47
IV	БОБ. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР	48
4.1.	Ўзбекистонда суғурта компанияларининг классификаторлари ҳамда суғурта компаниялар статистикаси ва муаммолар таҳлили.....	48
4.2.	Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта фаолияти билан шуғулланувчи компаниялари статистикаси таҳлили.....	53
4.3.	Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳи	59
V	БОБ. ХУЛОСА	61
5.1.	Тадқиқот саволига тегишли натижаларнинг қисқача ифодаси	61
5.2.	Тадқиқотнинг асосий таклиф ва тавсиялари	62
5.3.	Тадқиқот чекловлари ва келгуси тадқиқотлар учун таклифлар	65
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	66

I БОБ. КИРИШ

Суғурта бозори молиявий секторнинг ажралмас қисмидир. Миллий иқтисодиётда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ мафаатларини турли хавф-хатарлардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий воситалардан бири суғурта ҳисобланади. Суғурта бозорининг иқтисодий функцияси суғуртачиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлаш мақсадида суғурта бозори иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишдаги иқтисодий муносабатларни амалга оширишдан иборат бўлиб, уларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашда ифодаланади. Ижтимоий функция фуқароларнинг ижтимоий хавфсизлигини амалга оширишда ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашни амалга оширилади.

Суғурта бозорини суғурта хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи суғурта ташкилотлари тизими орқали жамиятни суғурта қопламасини таъминлаш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича пул муносабатларини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича пул муносабатларини ташкил этиш тизими сифатида ҳам қараши мумкин. Молия тизимнинг бир элементи сифатида барча давлатларда турлича ривожланган. Ўзбекистонда ҳам суғурта ўзининг ривожланиш босқичларига эга.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг суғурта соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширила бошланди, жумладан, республикамызда жаҳон стандартларига асосланган мустақил суғурта тизими барпо этиш учун имкониятлар яратилди. Мамлакатимызда суғурта фаолиятини ривожланиши бир неча босқичларга ажратиш лозим. Сабаби ҳар бир босқич ўзининг аҳамияти ва хусусиятидан келиб чиқиб, суғурта фаолиятини ривожланишига маълум маънода ўз таъсирини кўрсатган.

Мамлакатимызда бу йўналишдаги қонунчилик асослари ишлаб чиқиш жараёнида шаклланган моделлар пухта ва атрофлича ўрганилди. Шу билан бирга, миллий хусусиятларимиз ҳам ҳар томонлама таҳлил этилди.